

А Ж Р И М

2022 йил май ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, Юнусобод тумани Анорзор м.ф.й.да, очик, сайёр суд мажлисида, судья Т.Хасановнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Худайкуловнинг котиблигида, Юнусобод туман прокурори ёрдамчиси Ш.Шомирзаев, айбланувчи Б.М ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Рахмонов, жабрланувчи М.Мнинг иштирокида,

Б.М, 12.01.1991 йил Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланувчига оид 1-1004-2203/381-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судга тақдим қилинган дастлабки тергов ҳужжатларига кўра Б.М, 2021 йил октябрь ойи ўрталарида, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, М.Мнинг илтимосига биноан унинг номига “[REDACTED]” дан “Joyda” иловаси орқали 14.936.000 сўм кредит расмийлаштириб, М.Мнинг пластик картасига тушган ушбу пул маблағларини ўзининг номида бўлган пластик картага ўтказиб олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Айбланувчи Б.М суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.М суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Б.Мга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи М.М ва айбланувчи Б.Мнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Юнусобод туман прокурори ёрдамчиси ва адвокатнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, айбланувчи Б.Мнинг айбига иқрорлиги, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув, айбланувчи ва жабрланувчининг бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Б.Мга нисбатан жиноят ишини, ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи М.Мга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у



мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланувчи **Б.Мга** нисбатан жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Б.Мга қўлланилган эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи **М.Мга** мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Т.Хасанов

